

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 22 август • шанба • № 85 (4370)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Узоқ йиллар давомида вазият шундай эдики, машаққат билан етиштирган пахтамыздан фойдани бошқалар кўрарди. Кейинги пайтларда унинг юртимизда қайта ишлаш даражаси кескин ошди. Тўқимачилик кластерлари пайдо бўлди. Уларнинг замини – пахтани қайта ишлаш. Бунинг учун эса илғор техникалар, сервислар керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



КУН НАФАСИ

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.



Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **Сардор Умурзоқов** Москва шаҳрида Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири **Максим Решетников** билан учрашди.

2020 йилнинг 20 август куни Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов**нинг Афғонистон Ташқи ишлар вазири **Ҳаниф Атмар** билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.



21 август куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди.



Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан ушбу давлатнинг жамоат соғлиғини сақлашдаги энг нуфузли ташкилоти саналган **Роберт Кох** институти мутасаддилари бошчилигидаги **гурӯх COVID-19**га қарши курашда мамлакатимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг махсус чартер рейси билан Франкфурт-Майн шаҳридан **Тошкентга йўл олди**.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» ДУК кино ва театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти **Санъат Девонов** ҳақида «Санъатдаги Санъат» номли ҳужжатли фильмнинг тасвирга олиш ишларини якунлади.



Грециянинг **Афина** шаҳрида **Риштон кулчилик** махсуслотлари учун савдо уйи иш бошлади.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

БЕКТЕМИР ТУМАНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ САНОАТ РИВОЖЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 август куни Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бажарилаётган ишлар, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Пандемия туфайли вақтинча тўхтаб қолган корхоналар ўз фаолиятини тиклай бошлади. Лекин улар яна тўлиқ қувватга чиқиши учун вақт ва рағбат зарур. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонлари ва видео-селектор йиғилишларида бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда.



» 2

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Устувор вазифалар таҳлили, истиқбол режалари муҳокамаси



тайёргарлик кетяпти. Айтиш жоизки, тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциялари уюшқоқлик билан онлайн тарзда ташкил этилди. Бошланғич ташкилотларга фаол ва изланувчан етакчилар сайланди. Айтиш жоизки, эса қизғин руҳда ўтаётган Республика кенгашлари конференцияларида касаба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти сарҳисоб қилинмоқда.

Шу кунларда ишчи-ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айлантирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Курултойига қизғин

Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилаётган конференцияларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳамда бу борадаги сўй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устувор бўлгани алоҳида таъкидланяпти.

3 →



Муносабат

Кўпчиликка маълумки, яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси касаба уюшмалари фаолияти юзасидан ижтимоий тармоқларда тарқалган асосиз фикрларга оидиники киритиш мақсадида журналист ва блогерлар иштирокида очиқ мулоқот ўтказди. Мулоқотни видеоконференция алоқаси орқали вилоятлардаги барча касаба уюшмаси вакиллари, журналист ва блогерлар бевосита қўзатиб борди.

«Юзма-юз мулоқотга тайёрмиз...»

Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳам ушбу очиқ мулоқотни тинглаш, шу билан бир қаторда касаба уюшмаси тизимида амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилоятдаги журналистлар ва блогерларга янада кўпроқ маълумотлар бериш мақсадида уларни бир стол атрофига жам қилди.

Бугун ижтимоий тармоқларда айрим блогерлар орасида ноаниқ маълумотларни ҳеч иккиланмай оммага тарқатиб, шов-шув қилишга уринаётган, ноҳол хабарлар ортидан ўзига «обру» йиғётганлар сафи кўпайиб бормоқда, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Уйчи тумани кенгаши раиси Мирзамаҳмуд Тўхтабоев.

– Бир соҳа ҳақида танқидий фикр билдиришдан олдин, аввало шу тизимнинг фаолияти билан, ҳеч бўлмаса,

ўттиз фоиз танишиб, сўнгра бахсга киришса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб уйлайман. Чунки блогерлар билан ўтказилган очиқ мулоқотда уларнинг аксарияти касаба уюшмалари тизимидаги янгиликлардан мутлақо беҳабарлиги баҳс-мунозараларда яққол кўзга ташланиб қолди.

Вилоят касаба уюшмалари ходимлари ҳам ушбу очиқ мулоқотдан ўзларига хулоса чиқариб, ҳар ойнинг маълум санасида журналист ва блогерларни соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш, янгиликлардан бохабар қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида юзма-юз мулоқот қилишга тайёрлигини билдиришди.

Орзуғул РУСТАМОВА, «ISHONCH»



ЭЪТИРОФ

Жаҳон банкининг жорий йил июнь ойида эълон қилган ҳисоботида кўра, Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида 2020 йилда иқтисодий ўсиши кутилаётган ягона мамлакат бўлиб қолмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон ЯИМнинг реал ўсиши 2020 йилда 1,5 фоизни ва 2021 йилда эса 6,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

